

РАҲИМЖОНОВ Дурбек Обиджонович,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиши ICESCO кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди
durbekr@yahoo.com

АБУ ҲАФС НАСАФИЙНИНГ МОТУРИДИЯ ТАЪЛИМОТИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

РОЛЬ АБУ ҲАФС НАСАФИ В РАЗВИТИИ УЧЕНИЯ МАТУРИДИЯ

THE ROLE OF ABU HAFS NASAFI IN THE DEVELOPMENT OF THE TEACHING OF MATURIDIYA

Аннотация. Ушбу мақолада қомусий олим Абу Ҳафс Насафийнинг ҳаёти, илмий фаолияти ҳамда унинг мотуридия таълимоти ва ақидасининг тўғри талқин қилишидаги ўрни ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, мақолада “Ақоид ан-Насафий” асарида билиш ва англашнинг фалсафий талқини ҳам ёритилган.

Калим сўзлар: Абу Ҳафс Насафий, Китоб ал-қанд, мотуридия, ҳанафия, Имом Абу Ҳанифа, Ақоид ан-Насафий.

Abstract. This article provides information about the life and scientific activities of the encyclopedist Abu Hafs Nasafi, as well as about the role in the correct interpretation of the doctrine and creed of Maturidia. The article also covers the philosophical interpretation of knowledge and understanding in the work “Aqaid al-Nasafi”.

Keywords: Abu Hafs Nasafi, Kitab al-qand, Maturidia, Hanafia, Imam Abu Hanifa, Aqaid al-Nasafi.

Аннотация. В данной статье представлена информация о жизни и научной деятельности ученого-энциклопедиста Абу Хафса Насафи, а также о его роли в правильном толковании вероучения мотуридия. В статье также освещается философская интерпретация знания и понимания в произведении «Акид ан-Насафи».

Ключевые слова: Абу Хафс Насафи, Книга аль-канд, мотуридия, ханафия, Имам Абу Ханифа, Акаид ан-Насафи.

КИРИШ

Ўлкамиз маънавий ҳаёти ислом дини таълимоти ва ундаги инсонпарварлик ғоялари

билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланган. Марказий Осиё минтақасига ислом динининг кириб келиши VII-VIII асрларда амалга ошган бўлса, ушбу дин таълимотини илмий асосда маҳаллий аҳолига етказиб берилиши олимлар томонидан VIII-IX асрларда ривожлана борди. Бунда Имом Абу Ҳанифанинг (699-767) “ал-Фикҳ ал-акбар”, Имом Абу Мансур Мотуридийнинг (870-944) “Китоб ат-тавҳид” асарлари муҳим ўрин тутди. Соф ислом таълимотини ўзида акс эттирган ҳанафий-мотуридия таълимотининг минтақамизда кенг тарқалишида Абул Муин Насафий (1046-1114) ҳамда Абу Ҳафс Насафий (1068-1142) каби олимларнинг хизматлари катта бўлди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Абу Ҳафс Насафий ўн та йирик кўзга кўринган мотуридия олимларининг биридир [4:3-4]. Унинг “Ақоид ан-Насафий” асари ўзида мотуридия таълимотини акс эттиради. Имом Мотуридийнинг “Китоб ат-тавҳид” асарида муаллиф яшаган даврдаги ҳар бир фирқа, ғоявий оқим ва мазҳабнинг ғоя ва таълимотлари чуқур таҳлил қилинган. Натижада уларнинг исломнинг моҳиятига мос ёки зид эканлиги бўйича илмий асосли хулосалар берилган. “Ақоид ан-Насафий” асарида эса мазкур таҳлиллار асосида чиқарилган хулосалар қисқа ва лўнда тарзда баён этилган. Ушбу асар ўз даврида Мовароуннаҳр мадрасаларида асосий қўлланма сифатида ўқитилгани боис унга жуда кўп шарҳлар ёзилган [5:18].

Қомусий олим Абу Ҳафс Насафийнинг «Ақоид ан-Насафий» асари ислом оламида машҳур бўлганлигидан унга Европада кизиқиш анча эрта пайдо бўлган. XIX аср биринчи ярмида фаолият юритган тадқиқотчилардан В.Куретон мазкур асарга бағишлаб, «Суннийлар диний таълимотининг устуни» [10] номли тадқиқотини ёзган.

Саъдуддин Тафтазоний (1322-1390) Абу Ҳафс Насафийнинг асарига “Шарҳ ал-Ақоид” номли шарҳ ёзган. Унинг кириш қисмида шеърӣ тарзда Аллоҳга ҳамду санолат айтиш билан бошлаган. Шу йўсинда Аллоҳга хос зот ва сифатларни санаб ўтади.

Абу Ҳафс Насафий икки варақ ҳажмдаги (4 бет) “Ақоид ан-Насафий”нинг асл матнида ақидавӣ масалаларни ҳал қилар экан, фалсафӣ

тушунчаларга ҳам изох бериб ўтади. Жумладан, унга кўра билиш воситалари учтадир: соғлом ҳиссиёт, тўғри хабар ва ақл [11]. Ҳиссиётлар: эшитиш, кўриш, ҳид билиш ва таъм билиш.

“Ақоид ан-Насафий” асарида кўтарилган масалалар муаллиф яшаган даврда энг долзарб ҳисобланган эди. Чунки турли ақидавий оқимлар ислом динига ёт бўлган ғояларни ислом динига киритишга уринар эдилар. Бунга турли сабаблар бор эди.

Ислом дини Арабистон ярим оролидан ташқарига чиқиб, турли дин ва маданиятлар билан тўқнашганида бошқа динларга хос саволларни ислом дини уламоларига ҳам берар эдилар. Ислом манбаларини яхши билган олимлар Қуръон оятлари ва ҳадислар асосида мазкур саволларга манбалардан узоқлашмаган ҳолда ушбу дин моҳиятига мос жавобларни берсалар, айрим ҳолларда бошқа дин вакилларида тушган саволларга кишилар айрим ўзлари билиб ёки билмай нотўғри жавоб берардилар.

Абу Ҳафс Насафийнинг ақида илмига оид асари ўрта асрларда Мовароуннаҳр маънавий-мафкуравий ҳаётнинг асосига айланган эди. Ушбу асарга кўплаб уламолар томонидан шарҳлар ёзилганлиги ушбу фикрнинг далилидир.

Имон масаласи ислом оламида барча даврлар учун энг долзарб ҳисобланади. Чунки бу – инсоннинг дунёқарабини, унинг ҳаракат ва фаолиятларини йўналтирувчи омилдир. Айни кунларда

Айрим ҳолларда нотўғри ақидаларнинг тарқалишига сабаблардан бири ғаразли сиёсий мақсадлар бўлар эди.

Абу Ҳафс ан-Насафий ҳақида 20 дан ортиқ манбаларда хабар берилади [12:89-93]. Ан-Насафийнинг ҳаёти ҳақида илк маълумотни унинг кейинги давр замондоши Абу Са‘д ‘Абд ал-Карим ибн Муҳаммад ас-Самъоний ал-Марвазий (в. 1167 й.) беради. Масалан, Абу Саъд ас-Самъоний ўзининг «Китоб ал-ансоб» асарида Абу Ҳафснинг номини 27 ерда зикр этган [1: – Т. II. 148, 252, 260, 315, 324-25, 348, 373, 374, 385, 417, 434, 471; – Т. III. 8, 27, 121, 147, 172, 177, 448; – Т. IV. 416; – Т. V. 68, 185, 260, 517, 531, 548, 675; – Т. V. 340]. Кейинги муаллифлар эса асосан ас-Самъоний маълумотларини ўз асарларида такрорлайдилар ва баъзан унга янги тафсилотларни қўшимча

қиладилар. Бу тафсилотлар Абу Ҳафс ан-Насафий асарларидан олинган бўлиб, аксарият ҳолларда муаллифнинг илмий олами, қизиқишлари ҳақида маълумотлар беради. Шофи‘ий мазҳабига мансуб бўлган Абу Саъд ас-Самъоний ҳанафий олим ан-Насафийнинг фозил уламолардан бўлганлигини таъкидлаш билан бирга, унинг ҳадис илми соҳасидаги баъзи фикрларини танқид қилади. У Абу Ҳафсни тириклигида учратмаган бўлсада, унинг барча асарларига ёзма равишда ижоза олганлигини фахр билан зикр этади. Ас-Самъоний ўзининг Абу Ҳафс ҳақидаги фикрини унга шундай баҳо бериш билан якунлайди: «У ҳадисни яхши кўрадиганлардан эди, аммо уларни «тушуниш» бахтига муяссар бўлмади» (*фа-лам йурзақ фаҳмаҳу*) [3:15-16].

Абу Ҳафс ан-Насафийнинг туғилган йили хусусида бир оз ноаниқлик бор, чунки у манбаларда аниқ зикр этилган эмас. Бу сана тадқиқотларда «Абу Ҳафс ан-Насафий ҳижрий 461 ёки 462 йилда таваллуд топган бўлса керак» [2:7] тарзида келтирилган бўлиб, бу тарих милодий 1068-1070 йилларга тўғри келади. Аммо баъзи адабиётларда бу рақам 1068 тарзида берилиши [8:67] тахминий аҳамиятга эгадир.

Насаф шахри Абу Ҳафс яшаган даврда илм-маърифат жиҳатидан Мовароуннаҳрдаги энг йирик илмий-маданий марказлар – Самарқанд ва Бухородан кейинги ўринда турар эди. Биз кўраётган даврда Насафдан кўплаб олим ва муҳаддислар етишиб чиққанлар [2:7]. Масалан, «Китоб ал-қанд» ва «Китоб ал-ансоб» каби манбалар берган маълумотларга кўра, VIII-XII асрлар мобайнида Мовароуннаҳрда 3000 дан ортиқ кўзга кўринган муҳаддислар яшаб, фаолият юритганлар. Улардан 1000 дан ортиғи Самарқандда, 600 дан ортиғи Бухорода яшаган бўлсалар, шундан 400 дан ортиғининг ҳаёт ва фаолиятлари Насаф шахри билан боғлиқ эди. Қолган 1000 муҳаддисдан 70 дан ортиғи Шошда, 60 дан ортиғи Фарғонада, яна шунчаси Кешда, 50 дан ортиғи Термизда, 40 дан ортиғи Хоразмда, шу билан бирга Усрушана, Дабусия, Кушония ва бошқа маҳаллий минтақаларда фаолият олиб борганлар. Келтирилган рақамлар юқорида зикр этилган Насаф шахрининг Мовароуннаҳр миқёсидаги илмий-маданий аҳамиятини тўла тасдиқлайди.

Насафда илм таракқиётининг бу даражада юкори бўлишининг асосий омилларидан бири бу шаҳарнинг кўхна тарихга эга бўлганлигидир. Унга таъриф берар эканмиз, XII асрда яшаган марвлик жаҳонгашта олим Абу Ҳафс ан-Насафийнинг кичик замондоши Абу Саъд ас-Самъонийнинг айтган сўзларини келтириш ўринлидир [1: – Т. V. 486-487]:

«Насаф Мовароуннаҳр шаҳарларидан бири бўлиб, уни Нахшаб деб ҳам атайдилар. Мен у ерда икки ойча яшаб, уламоларидан ҳадис эшитдим. Насафдан ҳар бир илм соҳасида кўплаб олимлар чиққан бўлиб, уларнинг сон-саногии йўқ. Абу Таммом Ҳубайб ибн Авс [6:17] ўзининг халифа ал-Му‘тасимга (833-842) ёзган қасидасида Насаф ҳақида шундай дейди:

Рум сендан ўз ертўласида туриб даҳшатга тушади,

Турклар эса Насаф ортидан туриб сендан кўркади.

Дарҳақиқат, Насаф IX асрда Аббосийлар (749-1258) халифалигининг турклар билан чегарадош ҳудудларида жойлашган эди. Абу Ҳафс ан-Насафий даврида Насаф йирик тижорат, хунармандчилик маркази бўлиб, унда илм-фан барқ уриб ривожланган. Унинг мамлакат пойтахти Самарқанд билан алоқалари жуда мустаҳкам бўлган. Бу шаҳар XIII асрда мўғуллар томонидан вайрон этилиб, унинг яқинида XIV асрдан бошлаб Қарши шаҳри пайдо бўлди [7:450].

Насафда бошқа илмлар билан бир қаторда ҳадис илми ҳам эрта даврлардан бошлаб ривожланди [9:91-93]. Буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий (810-870) ўзининг илмий сафарлари давомида Насаф шаҳрида ҳам бўлган ва у ердаги ҳадис илмининг ривожига ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Зеро, Насафда ҳадис илми таракқиётининг илк даври Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти йилларига тўғри келади. Имом ал-Бухорий Насафдалиги чоғида ундан Абу Зайд Туфайл ибн Зайд (в. 892 й.), Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ма‘қил ан-Насафий ас-Санжоний (IX аср) каби бир қанча кўзга кўринган муҳаддислар дарс олдилар, унинг ўзи ҳам Насаф уламоларидан анча таъсирланди. Буюк муҳаддис Насаф уламолари томонидан жуда эҳтиром билан кутиб олинди. Улар Имом ал-Бухорийни ўз уйларида меҳмон бўлишини, ўзлари унинг хизматида туришларини шараф

деб билар эдилар. Бу эса Имом Бухорийнинг Ватани бўлмиш Мовароуннаҳрда илм аҳли орасида юксак эъзозга эга бўлганини кўрсатади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Насафдек илмга ҳурмати баланд олимлар юртидан етишиб чиққан Абу Ҳафс Насафий ўз асарлари билан Мовароуннаҳрда ва нафақат бу юртда балки мусулмон оламида илм ва бағрикенгликка асосланган мотуридия таълимотининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Абу Саъд Абд ал-Карим ибн Муҳаммад ас-Самъоний. Ал-Ансоб. 5 жилдли. – Т. II-IV/ Абдуллоҳ ‘Умар ал-Борудий таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-фикр, 1998.
2. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Ан-Насафий. Ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд / Назар Муҳаммад ал-Форйобий таҳрири остида. – ар-Риёд: Мактабат ал-Кавсар, 1991. – 622 б.
3. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Ан-Насафий. ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд / Йусуф ал-Ҳоди таҳрири остида. – Техрон: Ойина-йи мирос, 1999. – 877 б.
4. Ақоид матнлари / нашрга тайёрловчи ва таржимон Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2006. – 26 б.
5. Аллокулов А. Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” асари ва унинг шарҳлари таҳлили: тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дис. автореф. – Т.: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2018. – Б. 18.
6. Ал-Мунжид фи-л-аълум. 5-нашр. – Байрут. – 1987. – Б. 17.
7. Бартольд В.В. Сочинения. – Т. III: Работы по исторической географии. – Москва, 1965. – С. 450.
8. Булгаков П.Г. Формуляры некоторых документов по частному праву из энциклопедии ан-Насафи // Материалы по истории науки и культуры народов Средней Азии. – Т.: Фан, 1991. – С. 67.
9. Раҳимжонов Д. Имом Бухорий ва Насаф ҳадис мактаби // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2000. – № 2. – Б. 91-93.
10. Cureton W. Pillar of Creed of the Sunnites. – London. – 1843.
11. Sadettin Mesud Bin Ömer Teftazani. Akaid Şerh-i Kesteli. – İstanbul: ESER, 1976. – 204 б.

12. Yusuf Ziya Kavakcı. XI ve XII. Asırlarda Karahanlılar Devrinde Māvāra' al-Nahr Islām Hukukçuları. – Ankara: Sevinç Matbaası, 1976. – XXIV+322 s.
13. Agzamova Muhabbat Mirtoxirovna (2020) About the persian translation of “Tarikh ar-rusul val muluk” *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal* 10 (6), 416-419. Available at: <https://saarj.com/wp-content/uploads/ACADEMICA-JUNE-2020-FULL-JOURNAL.pdf> Article DOI: <http://dx.doi.org/10.5958/2249-7137.2020.00634.5>
14. Dr. Durbek A. Rakhimjanov, Muhammadamin B. Karimov. Abu Hafs Nasafi and Science of Hadith. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*. Volume: 4, 399-402. Available at: <https://emjms.academicjournal.io/index.php/emjms/article/view/104/92>
15. Tuychieva Nilufar Makhjudjonovna. Coverage of the Activities of the Qalandar in the Sources and Literature. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*. Volume: 4, 797-803. Available at: <https://emjms.academicjournal.io/index.php/emjms/article/view/186/170>
16. Tuychieva Nilufar Makhjudjonovna. Adabiy Manbalarda Qalandar obrazining yoritilishi. Innovative Developments and research in Education International scientific-online conference. Part 4, 114-120. Available at: <https://zenodo.org/record/6377270>
17. Doniyor Muratov Maxamatvaliyevich. İlk Islom Davrida Hadislarning Tarqalishi. *Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences VOLUME 2 | ISSUE 5* ISSN 2181-178, 127-131. Available at: https://www.oriens.uz/media/journalarticles/15._Дониёр_Муратов_127-131.pdf
18. Ismoilov Mas'udxon Maxdiyevich. O'zbekistonda Tasavvufning O'rganilishiga Doir. International Conference on Multidimensional Research and Innovative Technological Analyses. 169-172. Available at: <http://www.conferenceseries.info/index.php/ICMRITA/article/view/211/184>
19. Khakimova Nigora Alisherovna. The concept of human interest in jurisprudential principles: al-Qaffal al-Shashi's approach. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*. Vol. 12, Issue 04, April 2022. ISSN: 2249-7315, SJIF 2022 = 8.625. DOI: 10.5958/2249-7315.2022.00181.2 <https://aijsh.com/wp-content/uploads/2022/05/4.47-Khakimova-Nigora-Alisherovna-FULL.pdf>
20. Agzamova Muhabbat Mirtoxirovna. The Scientific Legacy Of Abu Ja'far Muhammad Ibn Jarir Tabari. *The light of Islam*. Volume 2022, Issue 1, Article 4, 33-39. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/cgi/viewcontent.cgi?article=1363&context=iaau>
21. Muratov Doniyor Maxamatvaliyevich. The Science of Hadith in Movarounnahr in the IX-X Centuries. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*. Volume: 6, 437-445. Available at: <https://emjms.academicjournal.io/index.php/emjms/article/view/423/536>
22. Qambarov A.M. Abu Bakr Ibn Mas'ud Kasani, A Representative of the Jurists of Mawarounnahr. *Child Studies in Asia-Pacific Context (CSAC)*. 2022, 12 (1); ISSN: 2288-601X 295-301 [Vol. 12 No. 1 \(2022\) | Child Studies in Asia-Pacific Contexts \(e-csac.org\)](https://doi.org/10.2478/2288-601X-295-301)
23. Okilov S. The Problem Of Faith (“Iman”) In the doctrine of Maturidyah: Harmony of 0language with language (Soul) (by the example of the views of Abu-l-Mu'in An-Nasafi). *International Scientific Journal Theoretical & Applied Science*. Issue: 04 Volume: 108 Published: 22.04.2022 <http://T-Science.org> SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS
24. Окилов С. Роль Сочинения «Бахру-Л-Калам» В Учении Матуридия. *PERIODICA Journal of Modern philosophy, social sciences and humanities* ISSN NO:2720-4030 Volume 12, November, 2022 <https://periodica.org/index.php/journal/article/view/301/266>